

# КОММУНИЗМ УЧУН, БАХТИМИЗ УЧУН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 118 (4365).

15

И Ю Н Ъ

ДУШАНБА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИ НОМЗОДЛАРИНИНГ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ЯҚДИЛЛИК БИЛАН САЙЛАНИШИ СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ ЕНГИЛМАС БИРЛИГИНИ, СССР ХАЛҚЛАРИ ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИНИНГ БУЮК КУЧИНИ, МЕХНАТКАШЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯ БИЛАН СОВЕТ ҲУКУМАТИ ТЕВАРАГИГА МАҲКАМ ЖИПСЛАШГАНЛИГИНИ БУТУН ДУНЁ ОЛДИДА ЯНГИ КУЧ БИЛАН НАМОЙИШ ҚИЛДИ.

## ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ

14 июнь бепоён мамлакатимизда умумхалқ байрамига айланди. Бу тарихий кунда совет халқи давлатимиз олий органига ўзининг энг ахши фарзандларини вакил қилиб сайлади.

Эрта саҳардаёқ шаҳар ва қишлоқларимиз байрам тусинга олди. Кексаюш, эркаклар, инчино-қолхозчи, энгли, турли касб ва ҳунар эгалари сайлов участкалари томон йўл олдилар. Улар ўз гражданилик бурчларини бажариш учун—Коммунистлар билан партиясиизлар блокларининг номзодларига, порлоқ келажатимиз, бахт-саодатимиз, Ватанимизнинг гуллаб яшнаши учун овоз беришга ошиқар эдилар. Ҳамманинг чехраси очик, дили беихёро шод эди. Чунки улар бутун фаровон ҳаётимиз, маъмурилик, бахт ва саодатимиз ижодисин жонажон Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати ленинчи миллий сиёсати таятасин учун овоз бераётганликларини тўла ҳис этар эдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев сайловчилар билан бўлган учрашувда бундай деди: Коммунист партия аввалдагидек ҳозирги сайловда ҳам партиясиизлар билан ягона блок бўлиб иш қилади. Бошқача бўлиб ҳам жумлини эмас. Ахир, коммунистлар учун ҳам, партиясиизлар учун ҳам Ватан маънафидан кўксароқ ва азизроқ нарса йўқ. Муштарак иш, коммунизм тақдирини учун муштарак жабобарлик уларни бирлаштиради. Сайловчилар халқимиз барча табақаларининг обрўли вакиллари депутатликка номзод қилиб кўрсатдилар. Бу кишиларга ишоним мумкин, улар панд бериб қўймайдилар. Тўғри йўлдан тоймайдилар, уларнинг юксак депутатлик бурчини ҳалол бажарадилар.

Бу йилги сайлов тарихий йилда — улуғ доҳимиз В. И. Лениннинг юбилей йилида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан саноат ва қишлоқ ҳўжалигинда коммунист қурилишининг барча соҳаларида умумхалқ ҳаракати, сиёсий ва меҳнат активлиги беихёро ошиб кетди. Сайлов арафасида обдистимиз саноат корхоналари, қишлоқ ҳўжалиги ва қурилишларнинг коллективлари ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, пиланд ташқари маҳсулот етказиб бердилар. Меҳнаткашлар янги ўй-жойларга қўниб чиқдилар. Улар бутун порлоқ турмуш учун бахтли ҳаёт ва эркакни истикбол учун Коммунист партиясини, Совет ҳукуматини чексиз яқиндордилар. Шунинг учун ҳам улар сайлов кутлилари олдида келар эканлар, қалб сўзларини ҳаяжон билан ифода этдилар. Қўнчилик жойларда сайловчиларнинг асосий қисми эрталабқо овоз бериб бўлди.

Республикада хотин-қизларимиз орасида биринчи тепловоз машинисти бўлган Балорат Миробоева қалб сўзларини шундай ифодаляди: Совет давлатининг асосий қурултайини ташкил этувчи коммунистлар билан партиясиизлар блокларининг номзодлари учун овоз берад эканман, ғалабаларимиз маънафидан қўрсатиб келадиган ғам-ҳўрлиги туфайли бутунга дехқоннинг турмуш маданияти тобора фаровон бўлиб бормоқда.

Калинин район Калинин номида қолхоз аъзолари номидан сўз олган Қаримберди Саъдулаев юрак сўзларини шундай ифодаляди: Партия ва ҳукуматимизнинг биз дехқонларга ота-ларча қўрсатиб келадиган ғам-ҳўрлиги туфайли бутунга дехқоннинг турмуш маданияти тобора фаровон бўлиб бормоқда.

## ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЗИЛМАС БИРЛИГИ

14 июнда бутун мамлакат билан бирга Москвада кўн миллионли меҳнат аҳли ҳам сайлов кутлилари энга келди. Пойтахт аҳолиси бюллетенларни кутлиларга тушираётганида, социалистик экономиканинг янада равнақ топиши учун Ватанимиз қуралини мустахкамлаш учун овоз берди.

СССР Олий Советига ўтказилган сўнгги сайловдан бери Москва анчагина кенгайди. Бутун эрталаб соат 6 да пойтахтда 2899 сайлов участкаси ўз эшикларини кенг очди, яъни 1966 йилдагидан 202 қўп сайлов участкаси қучоқ очди.

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Бауман сайлов округининг сайлов участкасида Бауман номида Москва олий техника ўқув юртининг студенти С. Константинов ҳаммадан олдин ва ўз ҳаётида биринчи марта овоз берди.

Сайлов комиссиясининг аъзолари бошқа ёш сайловчилар каби унга ҳам тантанали воқеа белгиси сифатида қизил чинни гул тақдим этти.

Ҳисоб аналитик машиналар заводининг ишчиси Н. Титс бюллетенларни кутга тушириб бўлгач, бундай деди:

— Мен ҳам сайловга биринчи марта қатнашдим, шунинг учун ҳам ич-ичида қўниб кетаман. Бизнинг коллективимиз пойтахтда биринчилардан бўлиб КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни давлат депутатлигига номзод қилиб кўрсатган эди. Мен Коммунист партия ва Совет Ҳукумати атоқли арбоби Л. И. Брежневга

овоз бердим. Мен, у бутун қучқувати ва билимини мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига, тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустахкамлашда олижаноб ишга сарфлайди, деб ишонаман.

Сайловчилар депутатликка номзодлари — А. Н. Косигин билан академик И. Г. Петровский шаънига қўпгина салминий сўзларини айтдилар. Фрунзе номида ил газлама фабрикасининг кекса ишчиси В. В. Анаева бутун Москвадан СССР Олий Советининг Миллатлар Советига депутат қилиб сайланаётган А. Н. Косигиннинг фаолиятини юксак баҳоляди.

— Алексей Николаевич фабрикада бир неча бор келиб кетган, — деди у. — Барча ҳамкасбларим, бутун коллективимиз ўртоқ Косигинга зўр ҳурмат-ҳўрлом билан қарайди. А. Н. Косигин муносиб депутатимиз бўлишига шубҳам йўқ.

Ленинград сайлов округида пойтахтнинг энг кекса туқимачилик корхоналаридан бири — Петр Алексеев номида майин мовут фабрикасининг меҳнаткашлари минг-минглаб сайловчилар қатори овоз беришди.

Корхонанинг Людмила Молларчук, Любовь Жердева ва Валентина Константинова каби ветеранлари ҳам, ёш туқувчилар ҳам депутатликка муносиб номзод — СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний учун овоз бериш шарафига мусар бўлганликларидан гоят мамнун эканликларини изҳор қилдилар. (ТАСС).

## УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАСИ

Кеча республика пойтахтининг меҳнат аҳли қўндан эрта уйғонди. Тоғ саҳарлаб шаҳар кўчалари, майдонлари одамларга тўлди. Ҳали соат олти бўлмасданёқ шаҳар марказидаги «Биланлар» уйининг кенг айвони жуда таъжуб эди. Бу бинога жойлашган 1/1 сайлов участкасида депутатликка номзодлар учун овоз бериш зўр уюшқоқлик ва юксак сиёсий активлик назарияда бошланди.

Халқимиз дўнқлар етиб келди. Сайлов участкаси комиссиясининг раиси Ф. Абдураҳмонов тўплаганларга қара-та қисқача нутқ сўзлаб, барча сайловчиларини умумхалқ байрами — Иттифоқ парламенти сайловлар билан табриклади, сўнгра уларни коммунистлар билан партиясиизлар мустахкам блокларининг номзодлари учун овоз беришга таклиф этди.

Кекса сайловчилардан ўқувчи Хайрулла Абдулаев, граждандар урушининг иштирокчиси, 1916 йилдан бўён партия аъзоси Андрей Георгиевич Крастин — ёш сайловчи Фатхулло Абдусатторов биринчи қатори бюллетенларни кутлиларга ташладилар.

Сайлов участкаси томон Ленин, Чимкент, «Правда Востока», Шевченко, Кафанов кўчаларидан одамлар оқиб кела бошлади. Улар орасида турли касб эгаларини — ишчилар, санъаткорлар, партия ходимлари ва наشريётчиларни қуриш мумкин эди. Туш пайтигача сайловчиларнинг деярлик 80 процентга яқини овоз бериб, ўз гражданилик бурчинини адо этди.

Ленин районидаги бошқа сайлов участкаларида ҳам СССР Олий Советига сайловлар умумхалқ шодиёнасига айланиб кетди. Санъаткорлар, савдо ва манший хизмат кўрсат

тиш ходимлари улар хизматида бўлишди.

Райондаги барча сайлов участкаларида сайловчилар СССР Олий Советининг Миллатлар Советига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ҳамда Иттифоқ Советига номзод — Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов учун яқдиллик билан овоз бердилар.

Т. МИРХОДИЕВ.

## «СОЮЗ-9» КОСМИК КЕМАСИДАН

СССР Олий Советига сайлов кўни 14 июнда Москва вақти билан эрталаб соат 8 дан 15 минут ўтганда космонавтар А. Г. Николаев ва В. И. Севастьянов «Союз-9» космик кемасидан ўз ватандошларига қўйидаги радиogramмани йўтладилар:

Азиз ўртоқлар!

Бутун, 14 июнда барча совет кишилари мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органига депутатлар сайлаёқдалар. Биз, «Союз-9» космик кемаси экипажининг аъзолари кинот фазоларида туриб, юксак гражданилик бурчимизни сезган ҳолда, ватанимизнинг энг ахши ўғил ва қизлари

учун, коммунистлар билан партиясиизлар бузилмас блокларининг номзодлари учун овоз бераётган барча сайловчиларнинг овозига қўшилмаиз. Бутун совет халқи каби биз ҳам шу тантанали кунда социалистик Ватанимизнинг янада равнақи учун, жонажон Коммунист партия учун, коммунизм учун овоз берамиз.

«Союз-9» кемасининг командири  
А. Г. НИКОЛАЕВ,  
«Союз-9» кемасининг борт инженеря.  
В. И. СЕВАСТЬЯНОВ.

## «СОЮЗ-9» КОСМИК КЕМАСИ УЧИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА ТАСС АХБОРОТИ

«Союз-9» космик кемаси 13 июнь кўни Москва вақти билан соат 13 дан 32 минут ўтугача қадар Ер атрофини 188 марта айланиб чиқди. Космонавтар Андрия Николаев билан Виталий Севастьянов ўн икки кўндан бери орбита бўйлаб учиб юрибдилар.

Радио алоқа сеансларида Андрия Николаев билан Виталий Севастьянов программа муваффақиятдан бажарилаётганлигини, уларнинг яхши хис қилаётганлигини, юксак иш қобилиятини сақлаб қолаётганлигини, ўзларининг иштаҳаларини ва уйқуси нормал эканлигини хабар қилдилар. Телеметрия маълумотлари ва космонавтарнинг айтишларига қараганда Николаевнинг томир уриш тегизлиги ўрта ҳисобда минутига 68 та, Севастьяновники 62 та бўлган. Нафас олиш тегизлиги минутига 15 марта ва қон босими ҳар иккала космонавта 120 га 75 миллиметрге бўлган.

Космонавтар Андрия Николаев билан Виталий Севастьянов янги ўн учинчи иш кўнини 13 июнь Москва вақти билан соат 12 да бошладилар. Радио алоқа сеанси вақтида космонавтар уларнинг яхши хис қилаётганлигини ва наватдаги кўн программасини бажаришга киришганликлари айтдилар.

«Союз-9» космик кемаси орбита бўйлаб учиниши давом эттирмоқда.



ВАТАНИМИЗ  
РАВНАКИ  
УЧУН

## УЮШҚОҚЛИК

Маҳаммаджон ота барвақт уйғонди. Номингагина нонушта қилган бўлиб, ташқарига чиқди. Шу пайт кўчада отанинг қўпгина тенгдошлари тўплаган эди. Улар биргалашиб 23-мактаб биносига жойлашган сайлов участкаси томон йўл олдилар.

Нуроний отахонларини сайлов участкаси бошлиғи Қўнқор Исмомов илқ қарин олди. У кекса сайловчилар билан бир-бир сўрашар экан, мамнулик билан уларни кутлилар ёнига таклиф этди. Биринчи бўлиб 39 йилдан бери КПСС аъзоси, ҳазир шахсий пенсияер Маҳаммаджон ота Исмомов сайлов кутисини ёнига қилибди.

Маҳаммаджон отадан сўнг кекса коммунист, 80 ёшли сайловчи Маҳмуджон ота Рустамжон Раев, 23-мактабда таълим олиб, эндиликда энг чуққилигача янгилаётган иш ёш сайловчилар Дилсари Тожиёва, Шўира Тошхўжаева ва бошқалар мамнулик билан овоз беришди.

Октябрь районидаги Ҳамза кўчаси ва унга туташ кўчаларда истиқомат қилувчи меҳнаткашларнинг бундай мамнулик билан овоз беришларининг бойси бор, албатта. Сайловдан сайловгача ўтган вақт ичидан бу ерда талай ўсми, ўзгаришлар рўй берди. Жўзладан, сайлов участкаси жойлашган минта шу 980 кўчанига мўлжалланган ўрта мактаб, 420 томоғабинга мўлжалланган Гафур Ғулом номидаги кинотеатр, боғчалар амбулаторияси ва бошқа ўнлаб маданий-маиший нуқта-лар бунёд этилди, барча кўчалар асфальтланди.

Соат 9 гача 18/62 сайлов участкасига қарашли 2742 сайловчининг деярлик ҳаммаси Миллатлар Совети билан Иттифоқ Совети депутатлигига номзодлар учун овоз бериб бўлдилар.

М. ЗАРИПОВ.





